

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАНКРОТЛИК АМАЛИЁТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШ ОРҚАЛИ АМАЛДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАРНИ ЕЧИМИ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР

Азимов Сайдумар Саидович

Ўзбекистон Республикаси Банк Молия академияси

Мустақил тадқиқотчиси, Тел +998990740410

Аннотация:

Бугунги кунда бюджет олдидаги қарздорлик йиллар сайин ўсиб бормоқда. Мазкур қарздорликларни қисқартириш бўйича амалиётда банкротлик тамойили қўлланилади. Мазкур амалиёт қўлланилишида учрайдиган муаммолар тадқиқ этилиб, ушбу камчиликларни бартараф этилиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлари: Солиқ қарзи, банкротлик, субсидиар жавобгарлик, суд амалиёти, қарздорлик, тугатиш бошқарувчилари, қасдан банкротликка олиб келиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПҚ-4146-сонли қарорининг 3-бандида, давлат солиқ хизмати органларининг аризалари бўйича қўзғатилган банкротликнинг соддалаштирилган таомилларини ўтказишида:

- қарздор турган жойдаги туман (шаҳар) солиқ инспекциясининг қарорига асосан, ҳар бир якунланган тугатишга доир иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан суд бошқарувчиларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 7,03 баравари миқдорида ҳақ тўланиши (*жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 5 253 минг сўм*);
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни узишда тўланган қарз суммасининг 5 фоизи миқдорида суд бошқарувчиларига қўшимча ҳақ тўланиши белгиланган.

Бироқ, Банкротлик тўғрисидаги Қонуннинг 4-моддасида соддалаштирилган тартибдаги банкротлик бўйича кредитор қарздорликнинг энг кам миқдори белгиланмаганлиги сабабли кичик миқдорда кредитор қарзи мавжуд субъектларга банкротлик иши қўзғатилиб, самарасиз харажат қилинишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, “A” хусусий корхонасининг 1,3 млн. сўм солиқ қарзи тўланмаганлиги



сабабли 2020 йил 18 февралда ДСИ томонидан корхонани (соддалаширилган тартибда) банкрот деб эътироф этиши юзасидан иқтисодий судга даъво ариза киритилган.

Иқтисодий судининг 2020 йил сентябрдаги ҳал қилув қарорига асосан корхона тугатилиб, давлат реестридан чиқарилган.

Мазкур қарздорликни ҳисобдан чиқарилиши учун тигатии бошқарувчисига давлат бюджетидан 4,8 млн. сўм хақ тўланган. Натижада бюджетдан қарзга нисбатан 3,7 баравар кўп сарф харажат қилинган.

2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг қредитор қарздорлигини қоплаш учун уларнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда:

Хусусий корхоналар тўғрисидаги Қонунинг 3-моддаси 4-хатбошига асосан хусусий корхонанинг;

Фермер хўжалиги тўғрисидаги Қонунинг 35-моддаси 2-хатбошига асосан фермер хўжалигининг;

Оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги Қонунинг 4-моддаси 4-хатбошига асосан оилавий корхонанинг мажбуриятлари бўйича таъсисчилар ўзига тегишли мол-мулк билан қонун хужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлиши қайд этилган.

Ушбу тоифадаги субъектларнинг мол-мулки етарли бўлмаган ҳолатларда солиқ органлари томонидан солиқ қарзини таъсисчиларидан ундириш бўйича фуқаролик судларига даъво ариза билан мурожаат этилиб, қарздорликни таъсисчилардан ундирилиши юзасидан суднинг ижро варақалари чиқарилади. Ижро варақалари асосида корхонанинг қарздорлиги унинг таъсисчиларидан ундириш ишлари бошланади яъни корхонанинг мажбуриятлари бўйича таъсисчи жавоб бера бошлайди.

Ушбу даврда юридик шахсларнинг солиқ қарзи мавжуд бўлганлиги сабабли, солиқ органлари томонидан қарздорларга банкротлик иши очилиши учун иқтисодий судга даъво аризаси киритилади. Суд томонидан қарздор банкрот деб эътироф этилиб, тугатиш бошқарувчиси тайинланади ва тугатишга доир иш бошланади.

Мазкур амалиёт кичик мидордаги солиқ қарзи мавжуд бўлган қарздорларни банкротлик асосида тугатиш ва тугатиш бошқарувчисига бюджетдан хақ тўлашда самарасиз ҳисобланади.

3. Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида Қонунинг 3-моддасига асосан масъулияти чекланган жамиятнинг



иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмаслиги ва жамият фаолияти билан боғлиқ заарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалари қиймати доирасида жавобгар бўлишлари;

Фуқаролик кодексининг 48-моддасида юридик шахснинг ночорлиги унинг банкротлиги сифатида таснифланиб, юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий қўрсатмаларни бериш хуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулқдорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши;

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарори асосида банкротлик иши очилгандан сўнг тугатиш бошқарувчиси томонидан сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш бўйича хulosи қилиниши лозимлиги қайд этилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, масъулияти чекланган жамиятлари:

- кредитор қарздорлигининг миқдоридан қатъий назар банкротлик асосида тугатилиши;
- тугатув бошқарувчисининг хulosалари асосида субсидиар жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Таҳлилларга кўра, 2019-2020 йиллардаги соддалаштирилган тартибдаги банкротлик ишларидан 75 фоизига яқини кредитор қарздорлиги энг кам иш ҳақининг 40 баробаридан (*30 млн.сўм*) кам миқдорни ташкил этади.

Мазкур банкрот корхоналарнинг солиқ қарзи уларни банкротлик асосида тугатиш учун бюджетдан тугатиш бошқарувчиларига солиқ қарзининг ярмига яқин сумма миқдорида ҳақ тўланмоқда.

4. Жиноий ишлар доирасида ўтказилган солиқ текширишлари бўйича етказилган заар суммалари айбор шахслардан ундирилади.

Лекин, кам аҳамиятли деб топилган ҳолатларда етказилган заарлар айбор шахслардан ундирилмайди. Натижада корхоналарнинг солиқ қарздорлиги бўйича субсидиар жавобгарлик чораси қўрилмаслигига сабаб бўлади.

Масалан:

- Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа обьектларни қасдан яширишни, камайтириб қўрсатишни, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасдан



бўйин товлаш базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан 300 бараваригача бўлган миқдорда;

- Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдордаги ҳолатларда жиноий иш қўзғатилиб, давлатга етказилган зарар айбор шахслардан ундирилади.

Ушбу миқдорлардан кам бўлган ҳолатлар кам аҳамиятли бўлганлиги сабабли жиноий иш қўзғатилмайди. Ўз навбатида етказилган зарарлар ҳам айборларга кўлланилмайди.

Амалдаги тартибга асосан юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий қўрсатмаларни бериш ҳукуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулқорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлсагина субсидиар жавобгарликка тортилиши қайд этилган.

Бу ўз навбатида корхона раҳбари ёки шу корхонага боғлиқ бўлган бошқа масъул шахслар томонидан қонун бузилиши натижасида қарздорлик юзага келиб, корхона банкрот бўлган тақдирда ҳам улардан қарздорликни субсидиар тарзда ундириш назарда тутилмайди.

Масалан, “X” МЧЖнинг раҳбари С.Тга 2012 йил ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми, 205-модда 2-қисми, “а” ва “б” бандлари билан жиноий иш қўзғатилган ва айбли деб топилиб, унга нисбатан 25,2 млн. сўм миқдорида жарима кўлланилган. Жиноий иш доирасида корхонага эса 1,1 млрд. сўм молиявий жарима кўлланилган. Натижада корхона фаолиятини тўхтатиб, банкротликка сабаб бўлган.

ДСИ корхона раҳбарини субсидиар жавобгарликка тортиши учун фуқаролик судига даъво аризаси билан мурожсаат этган. Суд томонидан Фуқаролик кодексининг 48-моддасига асосан субсидиар жавобгарлик муассис (иштирокчи) сифатидаги шахсга ёки юридик шахс мол-мулки мулқорига кўлланилиши мумкинлиги қўрсатилиб, даъво талаблари рад этилган.

Изоҳ: Корхона раҳбари барча ноқонуний операцияларни бажарсада, субсидиар жавобгарликка тортилмайди. Муассис (иштирокчи) сифатидаги шахс ёки юридик шахс мол-мулки мулқори ғайриқонуний ҳаракат қилмаганлиги туфайли у ҳам субсидиар жавобгарликка тортилмайди. Шу сабабли амалдаги қонунчиликка асосан қарздорлик бўйича ҳеч ким субсидиар жавобгарликка тортилмайди.



5. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарори билан тасдиқланган “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш Қоидалари”нинг 4-бандига асосан Суд тугатиш бошқарувчиси қарздорнинг банкротлик түғрисида иш кўзғатишдан олдинги 2 йилгача бўлган даврдаги фаолиятини таҳлил қилиши белгиланган.

Айрим ҳолатларда ушбу давр қарздорликни ундириш (*талаабнома, даъво аризаси, суд жараёни, қарор асосида мажбурий ижро қилиши*) тадбирлари жараёнига тўғри келганлиги сабабли, тугатиш бошқарувчилари томонидан қарздорнинг банкротлик түғрисида иш кўзғатишдан олдинги 2 йилгача бўлган даврдаги фаолияти бўйича сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасдан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш учун хулоса қилиш имконияти мавжуд эмас.

Масалан, “О” МЧЖнинг солиқ қарзи 2012 йилда юзага келган. Солиқ органлари томонидан ижро варақалари МИБга 2018 йил марта юборилиб, МИБ томонидан 2018 йил май ойида корхонанинг мол-мулкини ундириши чоралари натижасиз топилиб, ижро ҳужжатлари ундирувчига қайтарилган. ДСИ томонидан уибу корхонани 5,6 млн. сўм солиқ қарзини 2020 йил 20 марта соддалаштирилган тартибдаги банкротлик ишини очиши учун иқтисодий судга даъво ариза киритилган. Мазкур юридик шахс 2012 йилдан буён фаолият юритмаганини учун унинг фаолияти бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарори асосида хулоса қилиши имконияти мавжуд эмас.

Юқорида қайд этилганлардан келиб чиқиб, қуйидагилар таклиф этилади:

1. Кичик микдордашги қарздорлик суммалари мавжуд хўжалик субъектларини суд амалиётисиз Давлат хизматлари марказлари орқали марказлаштирилган тарзда тугатиш тизимини жорий қилиш.

2. Юридик шахсларнинг солиқ қарзини ушбу қарздорлик юзага келишига сабаб бўлган шахслардан субсидиар тартибда ундириш бўйича Банкротлик түғрисидаги Қонунга янги норма киритиш ҳамда барча қонун хужжатларини мазкур нормага мувофиқлаштириш.

3. Фуқаролик кодексининг 48-моддасини:

- юридик шахснинг “ночорлиги (банкротлиги)” жумласини юридик шахснинг “ночорлиги (банкротлиги ёки давлат ижроиси томонидан қонунда йўл қўйиладиган доирада кўрилган барча чоралар натижасизлиги бўйича ижро хужжатлари ундирувчига қайтарилганда)” жумласига;



- “...кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулқдорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса...” жумласини “...кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулқдорининг, корхона раҳбари ёки шу корхонага боғлиқ бўлган бошқа масъул шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса...” жумласига ўзgartириш.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги 224-сонли қарорининг:

- 4-бандидаги “банкротлик тўғрисида иш қўзғатишдан олдинги 2 йилгача бўлган даврдаги фаолиятини таҳлил қиласи” жумласини “хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ қарзи юзага келишидан олдинги икки йиллик даврдан бошлаб банкротлик бўйича хулоса бериш даврига қадар фаолиятини таҳлил қиласи” жумласига;

- 25-моддаларидаги “...иқтисодий суд томонидан қарздорни банкрот деб эътироф этилган ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошлангандан кейин...” жумласини “...солиқ қарзи мавжуд ҳамда мол-мулки мавжуд бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларни камерал солиқ текшируви асосида шунингдек, иқтисодий суд томонидан қарздорни банкрот деб эътироф этилган ҳамда тугатишга доир иш юритиш бошлангандан кейин...” жумласига ўзgartириш;

5. Субсидиар жавобгарликка тортиш тўғрисида аризани кўриб чиқилишида келишув битимини тузиш бўйича Банкротлик тўғрисидаги Қонунга янги нормани киритиш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси
2. <http://uga.uz/oz/society/andizhonda-kameral-nazorat-tadbirlari-natizhasida-62-milliar-31-10-2018> сайти 31.10.2018 йилда чоп этилган.
3. <http://jizzax.uz/740-zhizzahda-kameral-nazorat-natizhasida-shimcha-1263-mlrdsmlik-isob-kitoblar-tadim-etildi.html> 14 сентябрь 2018 йил
4. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат статистикаси тўғрисида”ги 441-II-сонли Қонуни
5. <http://stat.uz/tu/450-dlya-predprinimatelej2/2192-otchotnosti2>
6. <http://www.stat.ee/dokumendid/64172>



7. Россия Федерациисининг 2011 йил 6 декабрдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги 402-ФЗ-сонли қарори
8. Россия Федерациисининг 2018 йил 28 ноябрда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритилганлиги тўғрисида”ги ФЗ-444-сонли қарори

